

ОРИЕНТАЛ УНИВЕРСИТЕТ ЛИНГВИСТИКА (АРАБ ТИЛИ) ЙЎНАЛИШИ
МАГИСТИРИ

*"Жўйбори Калон" ўрта махсус ислом таълим муассасаси
"араб тили" фани ўқитувчиси*

Мўминова Меҳринисо Ҳабибжон қизи

Анотация: *Мазкур мақолада араб тили тарихи ҳамда араб тили тараққиёти босқичлари ёритиб ўтилган.*

Шу билан бирга, мақолада, классик араб тили ва замонавий араб тили орасидаги фарқларга тўхталиб ўтилган.

АРАБ ТИЛИ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Араб тили сомиё тиллар гуруҳининг жанубий шаҳобчасига тааллуқлидир. Бу тил энг қадимий тиллар туркумидан саналиб, унинг бошланиши эрамиздан олдинги йилларга тақалади. Улар ўзларини қадимги Қаҳтон (Жанубий араблар) ва Аднон (Шимолий араблар) уруғидан тарқалганмиз дейишади.

Араб тили тараққиёти уч босқичда ўрганилади:

Қадимги классик, хозирги замон араб тили. Қадимги тил бизгача баъзи ёдгорликларда етиб келган. Тадқиқотчилар шу ёдгорликлардаги ёзувлар асосида унинг грамматик қурилишини ва қисман сўз бойлигини аниқлашга мувофиқ бўлишган.

Классик араб тили асосан V асрларга келиб ривожланди. Уни ривожланишига сабаб шу йилларда Қуръони карим ва пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари вужудга келган эди. Шу икки манба асосида изланишлар VI аср охирлари ва VIII-IX асрларда бошланди. Бу икки асос ва ундан олдинги классик тилга дахлдор ашёлар бизгача жуда кўп миқдорда етиб келган. Улардан мукамал грамматик таркибли назм ва таъсирдор қабилалар шева (лаҳжа)лари нодир хусусиятларни ўзида умумлаштира олган бой тилдир. Классик араб тили такомилида муҳим рол ўйнаган қабила лаҳжалари орасида энг эътиборлиси Қурайш лаҳжасидир.

Классик араб тили Ислом байроғи остида кўп давлатларга тарқала бошлади. Хусусан, Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Африканинг кўп қисмига тарқалди. Ўрта Осиёга у VIII аср охири ва IX аср бошларида халифа Қутайба ибн Муслим ва ундан кейинги халифалар даврида Ўрта Осиё фатҳидан кейин кириб келди. Бу тил Ўрта Осиё халқларида узоқ вақтларгача халқаро ва билим тили бўлиб келди. Шу давр мобайнида мадрасалар, мактаблар ва шунга ўхшаш бир неча хил илм масканлари фаолият кўрсата бошлади. Бу тил ёки бу араб халқи фатҳ қилинган ерларга фақат Қуръон ва суннани олиб келмасдан, араб маънавияти, урф одатлари ва Исломий қарашларни олиб келди. Шу ерларни ўзларига хос маданиятларини ўрганишди ва бошқаларга тарқатишди.

Бу даврлар мобайнида сарзаминдан ўзининг чуқур илмий мулоҳазалари билан дунё фанларининг равнақига сезиларли таъсир кўрсатган фан даҳолари етишиб чиқди. Бу даҳолар ўзларининг интилиш ва тиришишлари билан бутун ҳозирги араб грамматикасини ва шунингдек ҳисоб фанлари: Астрономия, Наботот олами ва шунга ўхшаш турли хил фанларга асос солди. Бу ватандошларимиздан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Муҳаммад Хоразмий, Маҳмуд Замахшарийлар. Шу тилда самарали ижод қилишган.

Яна шу билан бирга Классик тил ҳозирги замон араб тилининг шаклланиши учун замин бўлди.

Ҳозирги замон адабий араб тили Арабистон ярим ороли ва ундан шимолроқдаги ҳамда Шимолий-Шарқий Африкадаги 20 дан ортиқ давлатларнинг расмий тили ҳисобланади. Кундалик газета ва журналлар, китобла ҳозирги тилда чоп этилади. Ҳозирги араб тили ўтган замон охирларида ривожланган. Барча араб давлатлари учун умумий бўлган адабий араб тилидан ташқари ҳар бир алоҳида араб давлатида маҳаллий шева (лаҳжа)лар мавжуд. Бир мунча умумлаштириб олинса, булар: Саудия, Яман, Сурия, Фаластин, Ироқ, Миср, Судан, Мағриб... Араб халқи бизнинг диёримизга дини исломни олиб келиш билан бирга, юқорида айтиб ўтганимиздек, илму маърифат ва ислом ҳуқуқини ҳам олиб келди. Дунёдаги илмларни милоддан олдинги даврдан то ҳозирга қадар бўлган вақтгача бўлган илм-фанларни агар уч цивилизацияга бўлиб оладиган бўлсак, булар:

1. Цивилизация. Милоддан олдин бошланиб, то милоднинг II-III асрларига бориб тақалади.

2. Цивилизация. Бу айнан шу Ислом дини вужудга келишидан бошлаб, то XIX асргача давом этган.

3. Цивилизация даврга замин бўлади. Чунки, Қуръон нозил бўлгандан кейин ундан кенг фойдаланган Шарқ олимлари дунё илмларига пойдевор яратдилар. Кейинчалик, бу илмлардан воқиф бўлган башарият бу маърифат негизидан фойдаланиб, учинчи цивилизацияга йўл қўйдилар. Бу давр асосан 18 аср охирларидан бошланиб, ҳозирги давргача етиб келди. Бу даврни “Тараққиёт” даври деб аталади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Дурусун наҳв” Хифний носиф Муҳаммад Дияб, Мустафо Тамум, Муҳаммадбек Солиҳ, Мовароуннаҳр 2000-йил.
2. “Наҳв дарслиги” Тошкент 2006-йил.
3. “Араб тили грамматикаси” М. Иброхимов, М. Юсупов Тошкент 1997-йил.
4. “Араб тили дарслари” М. Хасанов, М. Абзалова. Тошкент 2004-йил

5. “Мабдаун наҳв” (Наҳв асослари) Суннатиллоҳ Бекпўлат. Тошкент 2005-йил.
6. “Араб тили” Э. Талабов. Тошкент
7. “Ан Наъим” О. Носиров, М. Юсупов, М. Мухиддинов, Ю .Рахматуллаев, А. Нишанов, Тошкент 2003-йил